



POLI-BIO-MED
ИСПЫТАТЕЛЬНАЯ ЛАБОРАТОРИЯ

Переподготовка и проверка знаний работников в области охраны труда по программе 288 часов

Переподготовка и проверка знаний работников по охране труда проводится на основании ст.17 и 23 Закона РУз «Об охране труда», ПКМ РУз №246 от 27.04.2017 года «О дальнейшем развитии рынка услуг в области охраны труда» прилож. 3 и №1066 от 31 декабря 2018 года «О мерах по совершенствованию деятельности Министерства занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан» прилож. 5.

ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ПЕРЕПОДГОТОВКА



Работодателем осуществляется:

- разрабатывает программы обучения, переподготовки и повышения квалификации работников по вопросам охраны труда;
- формирует перечни должностей, подлежащих направлению на повышение квалификации в области охраны труда;
- проводит вводные инструктажи по охране труда всех вновь поступающих на работу, работников, прибывших в командировку и

студентов, прибывших на учебу или практику;

- принимает участие в работе аттестационной комиссии и комиссии по проверке знаний инженерно-технических работников, правил и норм охраны труда, инструкций по технике безопасности.

Подлежащие переподготовке по охране труда:

На курсах переподготовки в объеме не менее **288 академических часов** проходят переподготовку в области охраны труда руководители (или их заместители), а также работники организаций, на которых возложены обязанности специалиста по охране труда, не имеющие высшего или среднего профессионального образования технического профиля.

Проведение учебных процессов курсов повышения квалификации и переподготовки в области охраны труда:

осуществляется с отрывом от работы или частичном отрывом (дистанционно) на территории работодателей, где имеются необходимые условия.

Образовательные программы повышения квалификации и переподготовки специалистов по охране труда:

Образовательные программы по охране труда утверждены Министерством занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан по согласованию с Министерством высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан, Советом Федерации профсоюзов и Государственным комитетом Республики Узбекистан по промышленной безопасности.

Контроль образовательных программ повышение квалификации и переподготовка специалистов по охране труда:

- тестирование слушателей курса;
- сдача экзамена на проверку знаний.

“КЕЛИШИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазири



И.У.Маджидов

2017 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири



А.А. Абдухакимов

2017 йил

**“Меҳнат муҳофазаси” йўналиши бўйича
меҳнатни муҳофаза қилиш вазифаси юкланган, техник йўналишдаги
олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига эга бўлмаган раҳбарлар ёки
уларнинг ўринбосарлари, ташкилот ходимларини
қайта тайёрлаш курси**

Ў Қ У В Д А С Т У Р И

(Қайта тайёрлаш курси муддати: 288 соат)

Тошкент – 2017 й.

Кириш

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини бажариш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжасининг 2014 йил 27 майдаги 132-сон қарори билан тасдиқланган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини 2014-2016 йилларда амалга оширишга доир Қўшимча тадбирлар комплексининг 3-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган ва янги тахрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2016 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-410-сон Қонунини амалга ошириш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари ривожланиши учун шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжаси томонидан 2017 йил 27 апрелда қабул қилинган “Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида”ги 246-сонли қарорлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Дастур мазмуни меҳнатни муҳофаза қилишнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик меъёрлари, корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ходимларнинг имтиёз ва қафолатларини таъминлаш, корхонава ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари, ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш тизими аудити ва иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Умумий тайёргарлик

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилишнинг меъерий-ҳуқуқий асослари.

II. Умумқасбий тайёргарлик

2.1. Корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш.

III. Мутахассислик бўйича тайёргарлик

3.1. Корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси талаблари.

3.2. Корхона ва ташкилотларда санитария-гигиена талаблари.

3.3. Меҳнат муҳофазаси бўйича ҳужжатларни юритиш ва йўриқномаларни ишлаб чиқиш.

3.4. Шахсий ва жамоавий ҳимоя воситаларининг қўлланилиши.

3.5. Ёнғин хавфсизлиги асослари ва унинг профилактик чора-тадбирлари.

3.6. Электр хавфсизлиги асослари ва унинг профилактик чора-тадбирлари.

3.7. Ишлаб чиқаришда жароҳатланган ходимларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш.

3.8. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ходимларнинг имтиёз ва кафолатларини таъминлаш.

3.9. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш тизими аудити ва иш ўринларини меҳнатшароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш

3.10. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлати жимойи суғуртаси.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Курснинг мақсади – меҳнатни муҳофаза қилиш вазифаси юкланган, техник йўналишдаги олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига эга бўлмаган раҳбарлар ёки уларнинг ўринбосарлари, ташкилот ходимлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ишлаш учун зарурий ва етарли ҳажмда янги касбий билимлар ва кўникмаларни эгаллашнинг таъминлашдан иборат.

Курс ўз мақсадларидан келиб чиқиб қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширади:

Меҳнат муҳофаза тўғрисидаги қонунчиликдаги янгиликлар ва ўзгаришлар асосида меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатлар талабларини чуқур ўрганиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳаси бўйича замонавий талабларга мос қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш асосида мутахассис кадрларининг касбий салоҳиятини мунтазам ошириб бориш;

ходимларни хавфсиз меҳнат усулларига ўқитиш дастурларини, хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш, меҳнат шароитлари ҳамда меҳнат муҳофазасини яхшилаш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича инструктажлар ўтказиш ва ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича билимларини текширишни таъминлаш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан огоҳлантириш бўйича профилактика ишларини ўтказиш шахсий ҳимоя воситаларини тўғри қўлланиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига риоя этилишини назорат қилиш услублари, ишлаб чиқариш ва касб касаллигига чалиниш, хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш ва иш жойларини аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича аниқланган номувофиқликларни тугатишга қаратилган чора-тадбирларни бажариш бўйича билим ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган.

Тингловчиларнинг касбий билим, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

иш берувчининг меҳнат шароитлари, ишлаб чиқариш фаолиятининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида вазифа ва мақсадларини шакллантириш асосларини;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини режалаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш фаолияти бўйича кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг натижаларини ва бошқариш тизимининг самардорлигини баҳолашни;

технологик жараёнларнинг асослари, машиналар, қурилмалар ва ускуналарнинг вазифалари, ишберувчининг фаолияти хусусиятларини инобатга олган ҳолда хом-ашё ваятериалларни қўллашни;

технологиялар, ускуналар, машиналар ва мосламаларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қўйиладиган асосий талаблар, шунингдек уларни қабул қилиш ва фойдаланишга топшириш, ишлаб чиқариш объектларини назорат қилиш билан боғлиқ ҳужжатлар рўйхатини;

ташкilotларда ишлаб чиқиладиган, меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолият олиб боришини таъминлайдиган локал норматив ҳужжатлар рўйхатини;

ҳодимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш ҳажмлари бўйича эҳтиёжларни аниқлашни;

шахсий ва жамоавий ҳимоя воситаларининг класслари, турлари ва асосий хусусиятларини, ҳимоя воситаларига ҳамда улардан фойдаланишга ва сақлашга қўйиладиган умумий талаблар, уларнинг созлиги ва аҳолини баҳолашнинг мезонларини;

касб касалликлари турлари ва касбий хавфларни бошқаришни;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллигига чалинишини текшириш ва ҳисобга олишда шунингдек, ишлаб чиқаришда жароҳатланганларнинг суғуртасини таъминлаш учун зарур ҳужжатлар рўйхатини;

ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг зарарли ва хавfli омиллари, уларнинг манбалари ва хусусиятлари, уларнинг классификациясини;

иш берувчи фаолиятининг хусусиятини инобатга олган ҳолда аҳолининг санитария-гигиена осойишталиги тўғрисидаги қонунчилик талабларини;

меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлиги учун жавобгарлик (интизомий,

маъмурий, фуқаровий-ҳуқуқий, жиноий) ва жавобгарликка тортиш тартибини; зарарли ва хавfli меҳнат шароитларида банд бўлган ходимларга белгиланган

компенсация турлари ва миқдори, уларни бериш шартлари ва тартибини билиши керак.

Тингловчи:

ҳодимларни меҳнат шароитлари ва иш жойларидаги меҳнат муҳофазаси, соғлиғига етказиладиган жароҳатлар хавфлари, тақдим этиладиган компенсациялар ва кафолатлар бўйича атрофлича маълумотлар билан таъминлаш;

ҳодимларнинг хавфсиз ишлаш даражасини яхшилаш, меҳнат шароитларининг яхшиланишидан манфаатдорликлари даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни аниқлаш, шунингдек ходимларнинг меҳнат қилиш ва дам олиш режимини таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллигига чалинишни текшириш бўйича комиссия ишини ташкил қилиш, тақдим этилган материаллар асосида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллиги ҳолатини ўрганиш;

жамоа келишуви, жамоа шартномаси ва ходим билан тузилган меҳнат шартномасининг меҳнатни муҳофаза қилиш қисминини ишлаб чиқиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ходимлар ўртасида ваколатлар ва мажбуриятларни тақсимлаш;

Для получения полного текста документа
обратитесь администратору курса